



Маҳалла

ШАНБА

2014 йил 26 апрель,
№35 (1002)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

МАМЛАКАТИМИЗ ҚУДРАТИНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишининг бориши билан танишиши мақсадида 25 апрель куни Қорақалпоғистон Республикасига ташир буюрди.

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бормоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш, замонавий бизнес инфраструктурасини ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Юртимиздаги макроиқтисодий барқарорлик ва қулай сармоявий муҳит таъсирида энг ривожланган давлатлар, нуфузли молия муассасалари мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилмоқда. Бунинг самарасида янги янги замонавий корхоналар бунёд этилмоқда.

Ўзбекистон учун Корея Республикаси вақт синовидан ўтган ва ҳар жиҳатдан ишончли стратегик шерикдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатлари давлатлараро ва ҳукуматлараро даражада, фирма ва компаниялар доирасида ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида сийёс, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳаларда қарор топган муносабатлар 2006 йилда имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация руҳида изчил ривожланиб, янги мазмун билан бойиб бормоқда. Ўзаро ҳамкорликда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилмоқда.

Сурғил қони негизда бунёд этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигининг юксак намунаси. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 3,9 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Унинг амалга оширилиши йилга 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш ҳисобидан 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пароллиз бензини ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Президентимиз Ислам Каримов 25 апрель куни ушбу йирик саннат корхонасига ташир буюриб, бу ерда амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

— Бундай йирик ва муҳим лойиҳани Корея Республикаси билан ҳамкорликда амалга ошираётганимиз бежиз эмас, — деди давлатимиз раҳбари. — Ўзбекистон Корея Республикасига улкан иқтисодий, индустриал ва интеллектуал салоҳиятга эга ривожланган давлат сифатида қарайди. Мамлакатларимиз ўртасида қарор топган мустақкам ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни юксак қадрлайди.

Устюрт газ-кимё мажмуаси нефть-кимё соҳасида дунёда энг йирик лойиҳалардан биридир. «Project Finance International» халқаро нашри ушбу мажмуани қуриш лойиҳасининг лойиҳавий молиялаш битимини нефть-кимё ва газ-кимё секторидида 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб эътироф этган. Шунингдек, у «Trade Finance Magazine» ва «Global Trade Review» нашрларининг «2012 йилнинг энг яхши битими» халқаро мукофотларига сазовор бўлган.

2014 йил 13 мартда яна бир нуфузли халқаро нашр — «Infrastructure Journal» ушбу газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳасини «Нефть-газ соҳасидаги 2014 йилнинг глобал битими» нуфузли мукофоти билан тақдирлади.

Мазкур лойиҳа қўшма корхона муассислари бўлган Жанубий Кореянинг «Kogas», «Lotte Chemical», «STX Energy» компаниялари ва «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг 1,4 миллиард доллар ҳажмидаги тўғридан-тўғри инвестицияси, шунингдек, 2,5 миллиард доллардан зиёд кредит ресурслари ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

Лойиҳани молиялаштиришда Осиё тараққиёт банки, Korea Development Bank, Korea Finance Corporation (Корея Республикаси), China Development Bank (Хитой), ING (Нидерландия), Hermes, KfW, Bayer LB, Siemens Bank (Германия), Credit Suisse (Швейцария), EKN, Nordea, SEC (Швейцария) каби тараққиёт банкла-

ри ҳамда етакчи тижорат банклари, шунингдек, Жанубий Корея, Германия ва Швейцариянинг лойиҳани амалга оширишда қатнашаётган банкларга суғурта тўловларини тақдим этган экспорт-импорт агентликлари сингари нуфузли молия муассасалари иштирок этаётгани ушбу лойиҳанинг нақадар истиқболли эканидан далолат беради.

2012 йилда бошланган қурилиш ишлари бугунги кунда жадал давом этмоқда. Замонавий инфраструктура объектлари барпо этилиб, ускуналар ўрнатилмоқда. Давлатимиз раҳбари бу ерда меҳнат қилаётган ишчи ва мутахассислар билан суҳбатлашди. Меҳнатсеварлик, самимийлик, бағрикенглик каби фазилатлар ўзбек ва корей халқларига бирдек хос, деди Юртбошимиз.

Мажмуа қурилишида 6 минг 400 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг 3 минг 500 дан зиёди юртимиз мутахассислари бўлиб, аксарияти ёшлардир.

Биз мустақиллигимизнинг икк йилларида келажаги буюк давлат қуришни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйган эдик, деди Президентимиз. Бугун замонавий билимларни пухта эгаллаган, мана шундай ноёб заводларда ишлаётган ёшларимизга қараб қувонамиз ва ана шу эзгу ниятларимизга эришаётганимизнинг амалий ифодасини кўраемиз.

Давлатимиз раҳбари бу ерда меҳнат қилаётган ишчи ва мутахассисларнинг яшаш ва меҳнат шaroитлари билан қизиқди.

Учрашувда «Uz-Kor Gaz Chemical» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси бошқаруви раиси Ли Хонг Йол, «Lotte Chemical» компанияси директори, лойиҳанинг техник раҳбари Хю Чул Пак, «Hyundai engineering» компанияси менежери, Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиш майдони раҳбари Ким Ван Су ва бошқалар яратилган қулай шарт-шaroит, доимий эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Анвар САМАДОВ, Аминбой ОРТИҚБОЕВ, ЎЗА махсус мухбирлари.

БОЛАЛАР СПОРТИ



Н. ХАЙДАРОВ оling сурати.

Футболимиз келажаги маҳалладан бошланади

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида болалар спортини ривожлантиришга улкан эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётир. Келажагимиз эгаларининг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча куч ва воситалардан унумли фойдаланилмоқда.

Н. ОЧИЛОВ
«Mahalla»

Халқ таълими вазирлиги қошидаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда бошқа ҳомиш ташкилотлар кўмагида ҳар йили мамлакатимизда ўнлаб замонавий спорт мажму-

алари барпо этилаётир. Биргина ўтган йилнинг ўзида 113 та спорт иншооти ва сузиш ховзаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Албатта, бунёдкорлик ва қурилиш ишлари, иншоотларнинг жаҳон талаблари асосида жиҳозланиши масаланинг бир жиҳати бўлса, қўшни қувнатдагидан янги мажмуалардан самарали фойдаланиш,

ёш авлодни қизиқишига қўра спортнинг тегишли турларига жалб этиш кўзланган мақсаднинг асосидир. Шу маънода бугунги кунда мамлакатимизда 2 миллионга яқин бола спортнинг 30 тури билан мунтазам шугулланмоқда. Битта спорт иншоотидан ўртача кунлик фойдаланиш вақти 9,5 соатга етди. Мазкур жараёнда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда унинг жойлардаги бўлим ва бўлимчолари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари муносиб иштирок этаётир.

> [4]

ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

Тарбияда энг яқин ҳамроҳ, энг зарур кўмакчи

Зулайхо ногирон қизчасига махсус арава олиш истагида қаерга, кимга мурожаат қилишни билмай юрганди. Маҳаллада ташкил этилган тадбирга борди-ю, муаммонинг ечимини топди...

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

Фуқаролар йиғини ҳузуридаги «Ота-оналар университети» томонидан ташкил этилган «Ёш авлод тарбиясида оиладаги ҳуқуқий саводхонликнинг аҳамияти» мавзудаги машғулотада форзанди камали йўлида оқсотиладиган таълим ҳуқуқий

маълумотлар берилди. Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга «Оила» илмий-амалий маркази Навоий вилояти бўлими раҳбари Розия Нарзиева, вилоят прокуратураси ходими Асқар Сувонов ва адлия бошқармасининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Феруз Норкулов батафсил жавоб қайтаришди.

> [2]

МУҲАММАД ЮСУФ ТАВАЛЛУДИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ

Ватан ва истиқлол кўйчиси

Соғлом ва мустақил фикрга эга, ҳар жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш, ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларни эзгу гуялар руҳида камол топтиришда миллий адабиётимизнинг ўрни ва аҳамияти катта.



Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида баъдий адабиётни раванқ топ-

БОШҚАРУВ ЙИГИЛИШИ

Вазифалар ижросида қатъият ва интизом бирдек зарур

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг 2014 йил биринчи чорак фаолияти якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишида «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган долзарб вазифалар муҳокама этилди.



Толибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

Дастурдаги 125 та банднинг 19 тасида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамжирои, 5 тасида ижрочи сифатида белгиланган.

Ўтган давр мобайнида Фонд ва унинг тузилмалари томонидан аҳолининг эътиёманд қатламларини аниқ манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маданий-маърифий ишларни амалга ошириш, миллий ва маънавий қадриятларни изчил тарғиб қилиш, маҳаллалар фаолиятини тақомиллаштириш орқали ижтимоий ва маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг 2014 йилга мўлжалланган Иш режаси ижросини таъминлаш бўйича мўъян ишлар амалга оширилди, — деди Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов. — Хусусан, Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқароларнинг ижтимоий ривожлантириш концепцияси ҳамда «Ўзбекистон мустақилликка эришиш асосини», «Юксак маънавият — енгилмас куч», «Муқаддас динимизга юксак эътибор ва эътиром» асосларида, шунингдек, қатор маърузаларида белгиланган мақсад ва вазифаларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишда 12 мингдан зиёд давора суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилди.

> [2]

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Соғлом аёл — соғлом жамият

Пойтахтимизда хотин-қизлар ўртасида анъанавий «Соғлом аёл — соғлом жамият» шиори остида спорт мусобақалари ташкил этилди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган беллашувларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Мудофаа, Ички ишлар, Фовқулоқда вазиятлар, Халқ таълими вазирликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди жамоалари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган улкан эътибор аҳоли, жумладан, хотин-қизларни соғлом тур-



Н. ХАЙДАРОВ оling сурати.

муш тарзига жалб этишда муҳим аҳамият касб этаётир. Юртимизнинг турли ҳудудларида барпо этилган замонавий спорт мажмуаларида спорт билан шугулланувчи хотин-қизлар

сафи тобора кенгаймоқда. «Соғлом аёл — соғлом жамият» шиори остидаги мусобақаларда жами 130 нафардан зиёд хотин-қиз гимнастрада, стол тенниси, бадминтон,

шашка сингари қатор спорт турлари бўйича ўзаро баҳслашди.

— Анъанавий мусобақаларда тўртинчи бор қатнашимиз, — дейди Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги «ZiyoNet» тармоғи етакчи мутахассиси Гулчехра Иброҳимова. — Оиламизда соғлом турмуш тарзига риоя қиламиз. Бу каби мусобақалар саломатлигимизни мустақкамлаштириш билан бирга кайфиятимизга, руҳиятимизга ижобий таъсир кўрсатади.

— Болалигимдан яккукураш спорт тури билан шугулланаман, — дейди Ички ишлар вазирлиги бошқармаси инспектори, кичик сержант Нозима Саримсоқова. — Спорт ҳаётида, иш фаолиятимда катта ёрдам беради. Умуман, спорт билан шугулланган инсон соғлом, бақувват бўлиш барабариди руҳан тетик, иродаси мустақкам, турли вазиятларда тўғри қарор қабул қила оладиган бўлади.

Мусобақа юнудида ғалиб ва совриндорлар муносиб раббатлантирилди. Мусобақанинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

> [4]



Ватан ва истиқлол куйчиси

МУҲАММАД ЮСУФ ТАВАЛЛУДИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ



Ушба олдига гуллар.

«Туркистон» саройида 25 апрель кунини Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган ижодий кеча бўлиб ўтди. Унда парламент аъзолари, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, маънавият тарбиётчилари, ўқитувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, «Ўзбекистон» миллий агентлиги бош директори Ж.Қосимов, Ўзбекистон халқ артисти А.Рафиқов Президентимиз Ислому Каримов раҳнамолигида миллий маънавиятимизнинг узвий ва муҳим қисми бўлган адабиётни ривожлантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори бадиий сўз санъати, унинг ривожини йўлида меҳнати сингган ижодкорлар хотирасини ардоқлаш борасида кўрсатилган йўналишга амал қилишга яна бир ифодасидир.

Муҳаммад Юсуф халқимиз маънавияти, онгу тафаккурини юксалтириш, ёш авлод қалбига ўзбекистон англаш, миллий гурур ва ифтихор туйғуларини, эзуғу фазилатларини камол топтириш борасида ёрқин истеъдоди, бетакрор бадиий асарлари, ибратли ижтимоий фаолияти билан катта ҳисса қўшган.

Унинг истиқлолимизга садоқат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини маҳорат билан тораннум этган шеърлари, достонлари адабиёт мухлислари, бутун халқимизнинг кўнгил мулкига айланган.

Муҳаммад Юсуфнинг «Та-ниш тарақлар», «Ишқ кема-си», «Эрка кийик», «Ўзиндан қўймасин, халқим» каби шеър-ий тўпламлари адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган. Унинг Ўзбекистонимизни, меҳридор халқимизни, беғубор ва самимий туйғуларни тораннум этувчи шеърлари асосида яратилган кўшиқлар санъат мухлислари қалбидан жой олган.

Шу кунини Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф яшаган пойтахтимизнинг Мирзо Улўбек туманидаги Пушкин-Солор кўчасидаги 1-уйда шоир хотирасига бағишлаб ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди. Халқимизнинг ардоқли шоири хотирасига бағишланган ижодий кечалар, маърифий анжуманлар, мушоиралар давом этмоқда.

Элларни элларга яқинлаштириб

Бухоро вилояти муҳаббат драма театрида улуг туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули таваллудининг 290 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Э. ЁДГОРОВ, ЎЗА мухбири.

Республика Байналмилал маданият маркази, «Ўзбекистон — Туркманiston» дўстлик жамияти, Туркманistonнинг мамлакатимиздаги элчилик ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда адабиётшунос олимлар, одиллар, Туркманistonдан келган меҳмонлар иштирок этди.

Республика Байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев, Туркманistonнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ш.Шириев ва бошқалар

Президентимиз Ислому Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллатлараро татулик ва ҳамжиҳатликни, Ўзбекистон билан Туркманiston ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Туркманiston Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Г.Муродов, туркманistonлик олим Д.Якулиев, Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти етакчи ходими Р.Барақоев, Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилояти бўлими масъул котиби Т.Аҳмад ва бошқалар икки халқнинг дўстлиги, хусусан, ижодкорларнинг узро ҳамкорлиги ҳақида сўзлади.

Бир дарёдан баҳраманд, тили, урф-одати ақин ўзбек ва туркман халқлари озалдан кўни-кўшичилиқда аҳил-иноқ яшаб келмоқда. Уларнинг маданияти, санъати ва адабиёти тўғрисида туркман халқи Алишер Навоий газалларини севиб ўқиганидек, ўзбеклар ҳам Махтумқулини ўз шoirидек ардоқлайди. Президентимиз Ислому Каримовнинг «Махтумқули ўзбек халқига ҳам, туркман халқига ҳам бирдек азиз ва суюкли сиймо» деган сўзлари анжуман мазмун-мундарижасини ифода этди.

Икки давлат раҳбарларининг ташаббуси билан барча соҳалар каби маданий алоқалар ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Адабиёт намояндalari таваллуд саналари икки юртда ҳам нишонлангани аниқ айтади. Махтумқулининг 290 йиллигига бағиш-лаб Бухорода ўтказилган адабий мулоқот ҳам бунга ёрқин мисолдир.

— Улуг ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийни Туркманistonда севиб ўқийди, — дейди Туркманiston Фанлар академияси мухбир аъзоси Г.Муродов. — Миллий муҳаббатимизда Навоий деган парда бор. Шундай улуг шоир асарларидан илҳом ва сабоқ олган Махтумқулини ҳам дунё билди. Унинг асарлари жохон халқларнинг 20 дан зиёд тилига таржима қилинган. Туркман адабиётига тамал тошини қўйган Махтумқули ижодига Ўзбекистонда ҳам қизиқиш юқорилиги бизни қувонтиради.

Адабиёт — қудратли ва сеҳрли куч. У кўнгилларни кўнгилларга боғлайди, элларни бир-бирига яқинлаштиради. Бухорода ўтган тадбир бунини яна бир бор тасдиқлади.

Тадбир доирасида вилоят туркман миллий маданият маркази томонидан ташкил этилган Махтумқу-



ли ҳаёти ва ижодига бағишланган кўргазма намоиш этилди. Илмий-амалий анжуман ўзбек ва туркман санъаткорларининг концерт дастури билан яқунланди.

БОЛАЛАР СПОРТИ

Футболимиз келажаги маҳалладан бошланади

[1]

Хусусан, Фонд томонидан оммавий спорт турларини ривожлантириш, ёш авлоднинг jisмонан бақувват, мустаҳкам иродали, ҳар томонлама етуқ инсонлар бўлишига шароит яратиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга кўмаклашиш, ёшларни турли оқимлар таъсиридан сақлаш борасида амалга оширилаётган ишлар диққатга sazovor. Айни шу мақсадларни кўзда tutgan ҳолда «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Футболимиз келажаги», «Ўзбек жанг санъати», «Отам, онам ва мен — спортчилор оиласимиз» сингари спорт мусобақалари бир неча йиллардан буён юқори савийда ўтказилиб келинмоқда.

Шу ўринда «Футболимиз келажаги» аниқлаштирилган турнири, унинг ташаббускори, кубокни ташкил этишдан кўзланган мақсад хусусидаги айрим мулоҳазалар билан ўртоқлашсак.

Бугунги кунда мамлакатимизда спортнинг барча турлари қатори миллионлар ўйини сифатида эътироф этиладиган футбол ҳам жадал суръатларда ривожланмоқда. Бунда футбол мактаблари, клуб ва жамоалар моддий-техника базосини янада мустаҳкамлаш, жамоалар таркибини иқтидорли, келажаги парлоқ ўринбосар ҳақида ёш ўйинчилор билан тўлдиришга катта эътибор қаратилаётганини қўл келаяпти, албатта. Худудларда, айниқса, республикамизнинг олим қишлоқ ва овулларига яшаб, яшил майдонларда тўп сурётган, қалбидан катта спортга нисбатан меҳри билан бўлган чаққон ва эчпил футболчиларини аниқлаш, уларни янги марралар сари рағбатлантиришда «Футболимиз келажаги» аниқлаштирилган турнири муҳим босқич вазифасини ўтаётди.

Тан олиш жоизки, мазкур турнирнинг дастлаб старт олишида айнан Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ташаббус қилган. Маҳалла-ларда болалар ўртасида футболни кенг оммалаштириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга кўмаклашиш мақсадида йўлга қўйилган 5-босқичли республика кубогини ўтказиш кейинчалик аниқлаштирилган турнири олдиди.

Жойларда ташкил этилаётган жамоаларга болалар мансуб бўлган маҳаллаларнинг номлари берилмоқда. Улар таркибига асосан кам таъминланган оилаларнинг болалари, қолаверса, профилактик ҳисобда турадиган ўсимларга қабул қилинади.

Ёш футболчиларга зарур спорт кийим-кечаклари ва анжумлари бепул тарқатилиб, яшил майдонларда катта ишона билдирилаётгани уларнинг келуси тақдирига ижобий таъсир қўрсатади қолмайди, албатта. Zero, рақиб жамоалар билан ўртоқлик учрашувлари асосида янги дўстлар орттириб, республикамизнинг турли мафтуноқ гушларига соёҳат қилиш ҳар қандай боланинг дунёқарашини кенгайтиради, ўз ўрнини топишига кўмаклашади, ягона мақсад йўлида бирлашиб, дўстлик туйғуларини кучайтиришга хизмат қилади. Фўқаролар йиғини кўмағида ўтадиган завоқли ўйинлар ёрдамида кечалина ҳўққубзарликка мойил ўсим сифатида назоратга олинган бола бугун ўзғаради, унинг ўзига бўлган ишончи ортади. Бундай ижобий жараён ўз-ўзидан она шундай тарбияси оғир болалар табиатидаги нуқсонларнинг тузалишига йўл очади.



Н.ҲАЙДАРОВ олдига гуллар.

Таъкидлаш жоизки, Фонднинг бўлим ва бўлинмалари томонидан ҳўққор ташкилотлар билан уюштирилаётган футбол мусобақаларининг нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётди. Бир пайтлар «Футболимиз келажаги» кашф этган қатор футболчилар бугунги кунда нафақат мамлакатимизнинг етакчи клубларида, балки дунёнинг номдор жамоалари сафида ҳам муваффақиятли тўп сурётди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 мартдаги «Фўқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 51-сонли боёни билан тасдиқланган Дастур иқроси юзасидан давлат ва жамоат ташкилотлари билан 2013 йил 23 майдаги «2013-2014 йилларда аниқлаштирилган «Футболимиз келажаги» республика кубоги мусобақаларини ўтказиш тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинган. Мазкур ҳўжжатта асосан 9-10, 11-12 ва 13-14 ёшдаги болалар ўртасида кубок мусобақаларини ўтказиш бўйича республика ташкилий кўмитасининг тегишли чора-тадбирлари белгиланган, мусобақаларнинг худудий босқичларини ўтказиш жадвали, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги вазифалар тақсимланган.

— Утган йили юртимизда фўқаролар йиғинларининг 8539 тасида «Футболимиз келажаги» мусобақалари ўтказилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси Абдумурод Азизов. — Кубок мусобақалари 1 миллион 23 минг нафардан зиёд болани қамраб олди. Бу иштирокчилор сони ўтган йилдагига қараганда 1,7 фоизга кўпайганини кўрсатди. Жумладан, 327 586 нафар 9-10 ёшли, 344 155 нафар 11-12 ёшли бола ҳақида 35 925 нафар 13-14 ёшли ўсим жалб қилинди. Эътиборли жиҳати шундаки, иштирокчилордан 48 359 нафарини кам таъминланган оила фарзандлари, 618 нафарини эса профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганлар ташкил этди.

«Футболимиз келажаги» мусобақалари кўламини йил сайин кенгайтиб, миллионлар ўйинига қизиқувчи болалар сони тобора ортаётди. Натыйжада бу ҳол ма-

ҳаллий ҳўқимликларни янги спорт иншоотлари барпо этишга ундаётгани янада қувонарлиқдир. Утган йили мусобақанинг туман (шаҳар), Қоракўлпоистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ўртасидаги минтақавий босқич ўйинлари замонавий футбол майдонларида ўтказилгани фикримиз тасдиғидир.

Болалар ўртасидаги ўйинларнинг Ўзбекистон Футбол федерациясининг олий лига ҳўқимлари томонидан бошқарилгани уларга ўзгача кўтаринкилик бағишлаш билан бирга жиддий масъулият ҳам юкляди.

Биргина ўтган йилнинг ўзида турнир мусобақаларининг маҳаллаларор босқичларини ташкил этиш учун Фонд ҳисобидан 90,2 миллион сўм, ҳўқимлар ҳисобидан 124,6 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Мусобақаларни ташкил этишда фоолик кўрсатган фўқаролор йиғинлари ҳам алоҳида рағбатлантирилди. Жумладан, 756 та фўқаролор ўзини ўзи бошқариш органи учун 36,6 млн. сўм (қўёс учун 2012 йилда 15,8 млн.сўм) маблағ сарфланди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг «Соғлом авлод йили» Давлат дастури асосида иш-лаб чиқилган жойий йил иш режасидан «Футболимиз келажаги» кенг микёдада ўтказиш ҳам ўрин олган. Бугунги кунда жойларда мазкур мусобақаларнинг дастлабки босқичлари ҳам йилгиданда кизин ҳўзирлик кўриляпти.

Хўллас, юртимизда болалар спортини ривож қилмоқда тус олган. Бундан кўзланган мақсад келажакимиз эгаларини ҳам мўънаван, ҳам jisмонан баркамол этиб тарбиялаш, Ватанимиз доврагини дунёга таратуви махшўр спортчиларни етиштиришдан иборат. Юртимиз маҳаллалари, олим қишлоқ ва овулларига қад ролтаётган замонавий спорт мажмуа ва майдончалари она шу эзу мақсадларга хизмат қилади. Аҳоли ўртасида спортни оммалаштириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳақида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолларининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолаверади.



Дунё бўйлаб

Ёрдамдан бебаҳра қолмоқда

БМТ Бош котиби Пан Ги Мун миллионлаб сурияликлар БМТ Хавфсизлик кенгаши резолюциясига зид равишда инсонпарварлик ёрдамидан бебаҳра қолаётганини билдирди.

Нуфузли ташкилот раҳбарининг ҳисоботида айтилишича, 3,5 миллион суриялик асосий махсулотлардан бебаҳра ва хизматлардан жумладан, тиббиёт хизмати-дан фойдалана олмаётди. Ҳўқумат ва исёнчилар ўзлари назорат қилаётган ҳу-

дудларни инсонпарварлик ёрдами етказайтган ҳодимларга очиб беришдан бош тартоётгани ачинарли ҳолдир. БМТ маълумотларига кўра, Ҳалаб шаҳрида 2,5 миллион аҳолига бор-йўри 40 нафар шифокор хизмат кўрсатмоқда.

Йўловчи поезд ҳалокати

Конго демократик республикаси жануби-шарқида йўловчи поезднинг ҳалокати оқибатида камида 30 киши ҳаётдан кўз юмди, 50 нафардан зиёд одам турли даражада жароҳат олди.



Кўрбонлар сонининг яна ортиш эҳтимоли бор. Боиси вайроналар остида жасадлар бўлиши мумкин. Конго темир йўлига миллий компаниясига тегишли поезд Катанга музофотида изидан чиқиб кетган.

Ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.


Қидирув давом этмоқда

Жанубий Кореянинг «Севоль» кемаси ҳалокати оқибатида ҳаётдан кўз юмганлар сони 180 нафарга етди.



Йўқолганлар ҳисобида. Ҳозирда 550 нафарга яқин киши, 212 кема ва 34 та ҳаво кемаси қидирув ишларини давом эттирмоқда. Кучли сувоси тўққилари қўтқарув ишларини қийинлаштирмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Чечку ороли бўйлаб соёҳатга чиққан, бортида 476 нафар йўловчи — уларнинг аксарияти мактаб ўқувчилари бўлган кема 16 апрель кунини чўққан, 174 нафар киши қўтқариб қолинганди.



«The Korea Herald»нинг ёзишича, чўққан кеманинг яна кўплаб йўловчиси дараксиз

Ҳаводан зарба берилди

Покистон расмийлари Афғонистон билан чегарадош ҳудудга берилган ҳаво зарбалари оқибатида жангари сифатида гумонланган 37 нафар киши ҳалок бўлганини эълон қилди.



Тўлибон ҳўракати ва «Лашкари Ислому» гуруҳи фаол

бўлган Тироҳ водийсида олиб борилган ушбу амалиётда ҳаво кучлари билан бирга қўрқулдаги қўшинлар ҳам иштирок этган. Покистон Мудофаа вазирлигининг билдиришича, ушбу амалиёт жангариларнинг Исламобад ҳақида Пешавор шаҳарларида полиция ва оддий фўқароларга нисбатан уюштирган ҳўжумларига ҳавобан амалга оширилган.

Интернет материаллари асосида Ф. КОМРОН тайёрлади.

Mahalla logo and contact information: Muassis: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви. Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган. Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ. Таъхирият манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Индекс: 100083. Саҳифаловчи: Л.Мейликлов. Мусаҳҳиф: Н.Азимова. Навбатчи: Ю.Ҳўжиева. Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров. Таъхирият манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.



КЎРИК-ТАНЛОВ

Тажриба ва маҳорат намойиши

Бир неча йилдан буён «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида маҳаллаларда барқарор диний ва маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш борасида самарали фаолият кўрсатаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларни аниқлаш, уларнинг илғор иш тажрибаларини омаллаштириш мақсадида «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» кўрик-танлови ташкил этиб келинмоқда.

Мухбиримиз.

Бу йилги кўрик-танловни ўтказишда янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар ижросига, шунингдек, тарихан таркиб топган миллий кадрларнинг кенг тарғиб қилиш, халқимизга хос удув ҳамда аъноларни омаллаштириш, қонун ҳужжатлари ҳамда давлат дастурлари ижросини таъминлаш, жамиятда оила институтини янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш кераклиги.

Танловнинг Навоий шаҳар босқичида 7 нафар маслаҳатчи иштирок этди. Уларнинг фаолиятини баҳолашда ҳудудда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш ти-

зимини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик муносабатларини кенгайтириш, миллий маънавиятимизга зид салбий иллатларнинг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда барқарорлиги, жамоат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш борасида амалга оширилган ишлар асосий мезон бўлди.

«Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулнора Уммотова фахрли биринчи ўринни эгаллади. «Кимёгар» маҳалласи маслаҳатчиси Нафиса Шернаева иккинчи, «Хумо» маҳалласи маслаҳатчиси Шоира Хидирова 3-ўринга муносиб кўрилди.

Танловда тўрт номинация бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, уларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлимига эсдалик совғалари топширилди.

ФОНД КЎМАГИДА

Қўлланма ва рисолалар китоблар жовонида

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини соҳага оид қўлланмалар, рисолалар билан таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Расул КАМОЛ «Mahalla»



Хозиргача вилоятдаги маъжуд 1030 та фуқаролар йиғинига янги тахрирдаги қонунлар, йўриқномалар, «Маҳалла посбони» жамоат-

чилик тузилмаси ҳамда комиссиялар низоми ётақиб берилди.

— Кўрсатилган фуқаролар йиғинлари фаолиятини сезиларли даражада юксалтирди, — дейди Данғора туманидаги «Тўлабой» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Румян Юнусхўжаева. — Ана шу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга таяниб иш юритамиз.

Фонд кўмагида маҳаллаларга турли бадий китоблар ҳам етказиб берилмоқда. Яқинда Фонд томонидан фуқаролар йиғинларига Фарғона тарихига оид янги асарлар тўплами тарқатилди.

БОШҚАРУВ ЙИГИЛИШИ

Вазифалар ижросида қатъият ва интизом бирдек зарур



[1]

Н.ҲАЙДАРОВ билан сураш.

Тўй-маъракаларни дабдабасиз ўтказиш мақсадида маҳаллаларда 4 мингдан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Ижтимоий муҳофазага муҳтож 700 дан зиёд ёш оилага тўй маросимларини ўтказиш ва турмуш шароитларини яхшилаш бўйича ҳар бир ҳудуддан 50 нафардан ёш оила рўйхати шакллантирилди. Мазкур тадбирларда Фонд ҳисобидан 1 миллиард сўм маблағ сарфланиши режалаштирилди.

Маҳаллаларда банд бўлмаган, меҳнатга лаёқатли аҳоли, ёшлар ва хотин-қизларни аниқлаш, бандликка қўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда уларни меҳнатга жалб этишга қўмаклашиш бўйича 17 мингдан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес субъектлари ташкил этилди. Уларда 20 мингдан зиёд янги иш ўринлари очишга қўмаклашилди. Шундан, 9 минг нафардан ортиқ хотин-қиз ва 11 минг нафардан зиёд ёшнинг бандлиги тазминланди.

Юртимиздаги барча фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, уларда фаолият юритаётган ходимларга қўлай меҳнат шароити яратилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чороги мобайнида Фонднинг ҳудудий бўлими томонидан 82 та фуқаролар йиғини компьютер жамланмаси, 15 таси принтер, 83 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 10 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига биноан, айти пайтада юртимизнинг барча ҳудудларида фаолият юритаётган ўқув-курсларини таъминлаган маҳалла фаоллари замонавий ахборот коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиб, иш самарадорлигини оширмоқда.

Хисобот даврида Фонднинг ҳудудий бўлими ва бўлимлари томонидан 16 та фуқаролар йиғини биноси реконструкция қилинди. Шунингдек, 7 тасини янгидан қуриш мақсадида 518 миллион сўм маблағ ажратилди.

— Фуқаролар йиғинларига ҳам услубий, ҳам амалий жиҳатдан қўмак бериш Фонд тузилмалари ходимларининг асосий вазифаларидан, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган вилояти бўлими бошқаруви раиси Насриддин Садриддинов. — Бу борада ҳудудий бўлими ва бўлимлари ходимларининг соҳага оид билими ва маҳоратларини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Зотан, бу масала Фонд иш режасида ҳам белгиланган. Шунга мувофиқ, жорий йилнинг 24 март — 1 апрель кунлари Фонд ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-семинарлар ўқори савияда ташкил этилди. Семинарларда жами 971 нафар ходим билими ва касбий малакасини оширди. Машгулотларга 274 нафар маърузачи, шу жумладан, 48 нафар олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва 226 нафар тегишли ташкилотларнинг масъул ходими иштироки таъминланди.

Умумхалқ байрамлари ва шонли саналарда маънавий-маърифий, бадий-моддий тадбирлар, учрашувлар ташкил этиш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига манзилли мурувват ёрдамлари кўрсатиш мақсадида хисобот даврида Фонд ва унинг тузилмалари томонидан 2500 та маданий-маърифий тадбир, учрашув ташкил этилди. 25,7 миллион ижтимоий ёрдамга муҳтож оилага моддий ёрдам кўрсатилишига қўмаклашилди. Ушбу мақсадда хисобот даврида 175,4 миллион сўм маблағ сарфланди. Биринчи Наврўз умумхалқ байрами арафасида Фонд томонидан 23 мингга яқин кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилага 124 миллион сўмлик моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилди.

— Меҳрибонлик, Саховат ва Мурувват уйларидаги 963 нафарга яқин фуқаро ва тарбияланувчилар, эҳтиёжманд оилалар, яқка-ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларга «Маҳалла муруввати» масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилган 50,9 миллион сўмлик кийим-бош ҳада этилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бошқаруви раиси Шавкат Жонқулов. — Қоловерса, чекка ҳудудлар, бориш қийин бўлган маҳаллалар аҳолисига манзилли мурувват ёрдами кўрсатиш мақсадида Фонд вилоят бўлими ҳисобидан 100 миллион сўм маблағ тақсимланди.

Хозирда Фонд ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан маҳаллаларда замонавий спорт майдончалари барпо этиш илҳомини элтирилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорасида Давлат дастури доирасида Фонд ҳамда ҳимойлар томонидан республика бўйича 200 га яқин болалар спорт майдончаси фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, мингга яқин болалар майдончалари ободонлаштирилди. Маҳаллаларда замонавий, хавфсиз болалар майдончаларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қуриш бўйича Фонд ҳисобидан 2 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, маҳаллалар қошида спорт, хусусан, футбол, стол тенниси, кураш, шахмат-шашка, бадий гимнастика ва бошқа тўғрақлар фаолияти йўлга қўйилди. Уларга мингга ёшлар жалб этилгани тахсинга сазовор. Ижодий тўғрақлар, яъни миллий чолғу, ҳунармандчилик, позандчилик, тикувчилик, фан тўғрақларининг ташкил этилиши ҳам ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда, уларнинг касб-ҳунар эгаллашида муҳим аҳамият касб этади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда Фонд иш режасида белгиланган тадбирларнинг ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг биринчи чораси мобайнида жами 1 миллиард 480 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ошқоралик руҳида ўтган бошқарув йиғилишида айрим ҳудудий бўлими ва бўлимлари томонидан ижро интизоми, қўйи тузилмалар томонидан ҳужжатлар ижроси устидан мониторингини амалга ошириш, фуқароларнинг муҳофаза ва ҳимояси бўйича қўйи тузилмаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида хато ва камчиликларга йўл қўйилгани танқид остига олинди. Уларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилан олинди.

Бошқарув йиғилиши кун тартибидagi бошқа масалалар юзасидан фонднинг вилоятлар бўлиmlари раисларининг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли бажоришда фуқаролар йиғинларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга қўмаклашиш, Фонднинг ҳудудий бўлими ва бўлимларида хат ва ҳужжатлар билан ишлаш, фуқароларнинг ёзма ва овозли мунозаатларини кўришда қўнунчилик меъёrlарига қатъий амал қилиш, ижро интизоми янада мустаҳкамлаш каби устувор вазифалар белгилан олинди.

Қизгин мунозараларга бой, ишчан ва танқидий руҳда ўтган бошқарув йиғилиши якунида тегишли қарорлар қабул қилинди.

ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

Тарбияда энг яқин ҳамроҳ, энг зарур кўмакчи



[1]

Зулайхо ҳам фурсатдан фойдаланиб, ўз муаммосини айтиди ва кўрсатилган йўл-йўрик бўйича туман аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бандликка қўмаклашиш марказига борди. Хозир у қизини аравадада кўчага олиб чиқиб, сайр қилдириш имкониятига эга.

— «Ота-оналар университети» фаолиятини бевосита ўзим мувофиқлаштириб бораман, — дейди Навоий шаҳридаги «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулнора Уммотова. — Университетимизнинг аъзолари 7 кишидан иборат. Сафимизда ҳаётий тажрибага эга, кеска ота-она-оналар, ўқитувчи, шифокор, руҳшунос ва ҳуқуқшунос бор. Айни пайтда ҳудудимизда профилактик назоратда турувчи, тарбияси оғир болалар йўқ.

Бунда, албатта, «Ота-оналар университети»нинг хизмати катта. Чунки университет нафақат болалар тарбияси билан шугулланади, балки ота-оналарга ёш авлод тарбияси бўйича ҳар томонлама ёрдам беради. Доржоник, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида ташкил этилган «Ота-оналар университети»нинг асосий мақсади ҳам ота-оналарнинг ёш авлод тарбияси бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини оширишдан иборат.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви қатор ташкилотлар ҳамкорлигида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида «Ота-оналар университети»нинг низоми ишлаб чиқилган. Айни пайтда Навоий вилоятидаги барча маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузурида «Ота-оналар университети» шу низоми асосида фаолият юритмоқда.

— Таълим муассасаларида давоматини таъминлаш, болаларни спорт тўғрақларга жалб этиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, қизларга рўзгор юмушларини ўргатиш бўйича аниқ режа-дастур тузганмиз, — дея сўхбатимизни давом эттиради Гулнора опа. — Бозьида вояга етмаган фарзандини пул топилган илҳомини хорижа жўнатадиган ота-оналар учрайди. Шунингдек, коллежда тахсил олоётган қизини турмушга узатиш ниятидагилар ҳам бор. Шу боис машгулотларимизда Мамурий жавоб-

гарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, яъни вояга етмаган фарзанднинг таълим олишига қаршилик кўрсатган ёки вояга етмаган қизини турмушга узатган ота-оналар мамурий жавобгарликка тортилиши ҳақида тушунча берайли.

«Ота-оналар университети» таркибига руҳшуносларнинг киритилгани ҳам қўлаб муаммоларнинг олдини оляпти. Айниқса, балоғат остана-сидаги қизни ёки ўғли билан муомала-муносабатда муаммога дуч келган ота-оналар учун бу ҳудуд қўл келмоқда.

— Хозирги болаларда итоткорлик хусусияти суст, лекин бунчи ҳурматсизлик, деб тушуномли керак, — дейди маҳалла фаоли, руҳшунос Мавлуда Саидова. — Фарзандининг ўз фикрига эга бўлгани яхши. Чунки табиатига бўйсунувчанлик сингган бола улғайганда ҳам мустақил бўла олмайд. Шу боис бола билан дўстона муносабатда бўлиш, уни тушунишга ҳаракат қилиш лозим. Улғингиз ёки қизингиз ўзини измингизга солишга ҳаракат қилётганингизни сезмасин, балки уни яхши кўришингизга, фикрига эътиборли эканингизга ишонсин. Ана шунда уни тарбиялашда қийналмайси.

«Ота-оналар университети» тадбирларида айтилганига қўйилган оилада ота-она ва фарзандлар ўртасида барқарор муносабат ўрнатилишига, маънавий муҳит яхшиланишига омил бўляпти. Лекин бир нарсани тан олиш керак, ҳамма жойда ҳам «Ота-оналар университети» фаолияти самарали амалга оширилоётгани йўқ. Зеро, жорий йилнинг ўтган 3 ойи давомида Навоий вилояти ИИБ томонидан ҳудуд бўйича 767 марта тартиббузарлик содир этилган, оддашган ва қорвонсиз қолган вояга етмаганлар аниқланган, уларнинг 191 нафари мактаб, 575 нафари эса касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиси. Шунингдек, биринчи чоракда вилоят бўйича вояга етмаганлар томонидан 12 марта жиноят содир этилган. Демак, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги «Ота-оналар университети» фаоллари, тарбияга масъулларнинг астойдил ишлашига тўғри келади.

Хуллас, мазкур университет миллий оил, қадриятлар, эътиҳод, тофаккурни оқсатириш, қадимий урф-одат ва аъноларнинг асраб-авайлаш, жисмоний тарбия ҳамда маданиятни тарби қилиш орқали фарзандлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Фаолият низоми талабига мос



Яқинда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий кенгашининг биринчи ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кенгаш аъзоларига амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар бўйича атрафлича тушунтиришлар берилди.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ «Mahalla»

— Кенгаш тузилгандан кейинги вақт мобайнида аъзолар томонидан Низомида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қатор тадбирлар уюштирилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви раиси, Ҳудудий кенгаш раиси ўринбосари Кожабой Элмуродов. — Хусусан, Ҳудудий кенгашнинг вазифа ва ваколатлари тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида 839 марта тадбир ташкил этилди. Уларда ўн минг нафардан зиёд аҳоли иштироки таъминланди.

Жорий йилнинг 24-25 март кунлари Қорақалпоқ давлат университетиде «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлими ва бўлимлари ходимларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий билимларини янада мустаҳкамлаш, бошқарув маҳорати, малакасини ошириш мақсадида икки кунлик ўқув-семинарларини юқори савияда ўтказишда ҳам кенгаш аъзоларининг хиссаси бор.

Кенгаш Низомида фуқаролар йиғинлари фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси мониторингини олиб бориш, уларнинг фаолиятини ўрганиш ҳамда такомиллаштириш белгиланган. Ушбу мақсадда ўтган вақт мобайнида Кенгашнинг махсус ишчи гуруҳи томонидан маҳаллаларда ижро интизоми, ҳужжатларни юритиш ишлари ўрганилди.

Камчиликларга йўл қўйган фуқаролар йиғинлари ходимларига тегишли ус-

лубий тавсиялар берилди. Бундан ташқари, ушбу жараёни янада такомиллаштириш мақсадида кенгаш аъзолари савий-ҳаракати билан ҳар бир туманда номуналий маҳаллалар шакллантирилди ҳамда уларда муайян ҳудуд бўйича амалий семинарлар ташкил этилди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, давлат органлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини амалга ошириш, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга қўмаклашиш борасида ҳам муайян ишлар бажарилди. Натихада жорий йилнинг ўтган чорасида 9 та фуқаролар йиғинига компьютер жамланмаси олиб берилди.

Хуллас, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашлар маҳалла институти фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилоётди.

МАСЛАҲАТ МАРКАЗЛАРИ

Бўлажак тадбиркорга амалий ёрдам тайин

Избоскан туманидаги 9 та қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда 62 та маҳалла фуқаролар йиғинининг барчасида «Маслаҳат маркази» ташкил этилган.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ «Mahalla»

Янги тахирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда белги...

Мавжуда Абдукаримова, Абдумутал Абдуҳақимов «Маслаҳат маркази» ёрдамида банкдан кредит олиб...

Тумандаги «Қораянтоқ» маҳалласида томорқа хўжалигиндан фойдаланиш бўйича ибратли тажриба тўпланган...

Шахсий томорқа хўжалиқларидан фойдаланиш даражасини ошириш учун зарур сабзавот уруғлари, мева...

Тадбиркорлик кенг қўлчан ёйгани сари қишлоқларда деҳқончилик ва хўнаронданчиликнинг турли йўналишлари бўйича ихтисослашув жараёни шаклланди...

Бундан ташқари, марказ аъзолари бўлажак ишбилармонларга ҳужжатларни тайёрлаш, расмийлаштириш ва тегишли органларга топшириш борасида маълумот бериш...



ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА

Табий офат хавфидан ишончли ҳимояда

Табий офатлар сезиларли даражада моддий йўқотишлар, ҳатто қурбонлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларни юзага келтириши...

Моҳичеҳра ЎРОЛОВА, Низомий номидаги ТАПУ қошидаги академик лицей ўқувчиси.

Президентимизнинг 2007 йил 19 февралдаги «Тошқин, сел, қор кўчишлари ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2013 йил 28 февралдаги «2013 йилда сел-тошқинлар ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва худудларини ҳимоя қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари бу борада дастуриламал бўлмоқда...

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳудудий бошқармалари, «Ўзгидромет» маркази, Геология ва минерал ресурслари Давлат қўмитаси ҳамда маҳаллий ҳокимликлар ҳамкорлигида республикамизнинг сув тошқинлари, сел оқимлари ва кўчки хавфи эҳтимоли бор манзиллари ўрганилиб, унинг тевағарида жойлашган аҳоли пунктлари, ҳўжалик, иқтисодиёт объектлари ва бошқа муассасалар доимий назоратта олинаётган.

Жорий йилнинг шу кунига қадар республикамизнинг баланд тоғли худудларидаги қор қатламини ва сел оқимлари хавф соладиган худудларини ўрганиш бўйича Махсус авиация...

ЖОЙ НОМЛАРИ – ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ

Тарих, урф-одат ва анъаналар ифода этган

Истиқлол йилларида қадим ва ҳамisha навқирон шаҳарда қўллаб жой номлари миллий қадриятларимизга мос тарзда қайта тикланди.

Толибжон НИЗОМОВ «Mahalla»

Бундан ташқари, маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ҳамда уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низом талаблари асосида жорий йилнинг 7 март кунини халқ депутатлари Самарқанд тумани Кенгаши қарори билан ҳудуддаги қатор маҳаллаларнинг географик тузилишлари ўзгартирилди.

Шунингдек, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ишлаб чиқилган ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган Шаҳарлар, посёлклар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низом талаблари асосида жорий йилнинг 7 март кунини халқ депутатлари Самарқанд тумани Кенгаши қарори билан ҳудуддаги қатор маҳаллаларнинг географик тузилишлари ўзгартирилди.

Туманимизда маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ҳамда уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низом талаблари асосида жорий йилнинг 7 март кунини халқ депутатлари Самарқанд тумани Кенгашига маълумот киритган эдик, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тўғрисидаги «Янгижой» маҳалласи раиси Шероли Хамроқов. — Қўсқа фурсатда Даштаким боло, Оҳалик, Қўлбапоён, Мирзо Улукбек номидаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари таркибидagi 10 дан зиёд маҳалланинг чегаралари белгиланган, баркизири бутунлай бошқа маҳалла таркибига киритилди. Айримлари шаҳарча фуқаролар йиғинига ойлантирилди.

Албатта, бу юқорида номи зикр этилган низом талаблари асосида амалга оширилди. Низомнинг II боб 8-бандида худудларнинг тарихий хусусиятлари, қоидага кўра, қамидга 500 та оила яшайдиган аҳоли пунктларининг географик жойлашувини инобатга олган ҳолда маҳалланинг таркиби белгиланган.

Шунга мувофиқ, бизнинг қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидagi «Новрўз» (оилалар сони 162 та) ва «Навобод» (360 та оила истиқомат қилади) маҳалла фуқаролар йиғинлари бирлаштирилиб, унга «Ширинобод» номи берилди ва қонунчиликка биноан янги маҳаллада айни пайтда 522 та оила яшамокда, — дейди Даштаким боло қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Зокир Давронов. — Худудимиздаги «Саримозор» (оилалар сони 272 та) маҳалла фуқаролар йиғинига чегародош «Деҳнав» маҳалласидан 90 та, «Қавчинонибол»дан 120 та, «Кўшқўприк»дан 102 та оилани қўшиб орқали «Саримозор» маҳалла фуқаролар йиғинига истиқомат қилаётган оилалар сони 584 тага етказилди ва худудда 505 та оила яшайдиган янги «Шалғамон» маҳалласи ташкил этилди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Нима учун айнан 500 тадан кам оила яшайдиган маҳаллалар фаолияти тугатилмоқда, деган савол туғилиши табиий. Хабарингиз бор, Президентимиз Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фа...



Н.ХАЙИДРОВ олган суратлар.

олиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида худудда қамидга 500 та оила яшайдиган маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маълумотларни лавозими жорий этилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги «Бололи оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари раислари ва мусул қотибларига маҳаллий бюджетдан меҳнат ҳақи тўлаш белгиланган. Бунинг учун худудда қамидга 500 та оила бўлиши шарт, деб кўрсатилган.

Шаҳарлар, посёлклар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низомда ҳам ушбу қоидалар ўз аксини топган.

Тумандаги Оҳалик қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидagi «Янгижой» маҳалласида 1372 та оила умргузаронлик қилаётгани ҳамда худуддаги гузарлар тарқоқ жойлашгани сабабли ушбу маҳалла иккига бўлинди.

«Ёшлик», «Янгиҳиёт-2» ва «Ўрташиқ-2» гузарлари бирлаштирилиб, жами 642 та оила яшайдиган «Ёшлик» маҳалласи вуқудга келди. «Оқбўйроқ», «Зафаробод», «Янгибоб», «Янгижой-2» гузарларининг қўшилиши натижасида жами 619 та оилани ўзида муҳассам этган «Янгижой» маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилди.

Тумандаги Қайнама қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидagi «Чаққа» ва «Ипакчи» маҳаллалари бирлаштирилиб, бир номида, яъни «Ипакчи» деб юритилмоқда. Худди шундай, «Чаман» маҳалласи ҳам қайта ташкил қилинди.

Бугун намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган замонавий турар-жойлар юртимиз кўрғига кўк бўлиб кўшилмоқда. Айниқса, уларга ёндаш қурилатган маҳалла гузарларини кўрган кўз қувнайди. Маҳалла идоралари пештоқига битилган миллий қадриятларимизга мос номлар узукка кўз қўйгандек. Бугун ҳар бир фуқаро кўзлаган манзилни осон топиб олишида ҳам...

ушбу номлар асқотмоқда. Мирзо Улукбек номидаги ҳамда Оҳалик қишлоқ фуқаролар йиғинидagi «Янгижой» маҳалла фуқаролар йиғини таркибидagi «Газчилар» ва «Янгиорик», «Янгиорик-2» гузарлари ҳамда юқоридаги иккита қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда қурилган 512 та намунавий лойиҳадagi ўй-жойни бирлаштириш орқали «Обод турмуш» маҳалла фуқаролар йиғини ташкил топди.

«Ширинобод», «Саримозор», «Шалғамон», «Ёшлик», «Чаман», «Ипакчи», «Обод турмуш» маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилиши муносабати билан қонунчилик талаблари асосида шатлар ҳадволига йиғин раиси, масъул қотиб, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маълумотларни лавозими жамоатчилик тузилмаси раҳбари лавозими жорий қилинди.

Юқорида зикр этилган Низомнинг II боб 8-бандида агар посёлка, қишлоқ ва овулнинг фуқаролар йиғини ҳудудда кўпи билан 1500 та оила истиқомат қилса, уларда овул, қишлоқ ёки шаҳарча фуқаролар йиғини ташкил этилиши қўйд қилинган.

Маҳаллаларнинг географиясини ўзгартиришда, албатта, еррегеодекадстр, статистика, молия, архитектура ва қурилиш бўлими, Маънавият тарғибот маркази ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакиллари билан иборат махсус гуруҳ иш олиб бормоқда.

Халқ депутатлари тумани Кенгаши қароридида номлари ўзгармайдиган географик объектларга кўринлари қилиб, замонавий ҳамда миллий дизион асосида кўрсаткич белгиларини ўрнатиш, объект турининг статистик маълумотларга мослиги, номларнинг тўғри ёзилиши, қайта номланган ташкилотларнинг расмий биланлари, почта манзили ва бошқа ҳужжатларига тегишли ўзгартириш киритиш ҳам белгиланган.

Хуллас, бугун юртимизда маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш, тугатиш, уларга ном бериш, қайта номлаш, чегараларини ўзгартиришнинг муштаҳкам ҳуқуқий асоси яратилгани миллий қадриятлар бардовомлигини таъминлаш билан бирга худуд ободлиги ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ – БОШ МЕЗОН

Ҳар бир кунимиз орзу-ҳавасли

Баъзан кўча-кўйда одамларнинг «Яхшиям маҳалла бор экан, зарур пайтда ёрдам қўлини чўзи» ёки «Маҳалладагилар ёлғизлигимизни қўйишмади», «Бечоранинг ҳеч кими йўқ эди, маҳалланинг ўзи бош-қош бўлди», деган гап-сўзларини эшитганимда ич-ичимдан хурсанд бўламан.

Нурали МАҲМАТОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қашқадарь вилояти бўлими бошқаруви раиси.

Одамларнинг ҳаётга муносабатлари тубдан ўзгарди, ҳамма яхши яшашга интиляпти. Айниқса, томорқадан фойдаланишга катта эътибор қаратилаётгани ҳам аҳолининг фаровон яшашини таъминлаш, турмуш маданиятини янада яхшилашдек эзгу мақсад бор. Албатта, бу ишларга маҳаллалар бошқош бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.


Фуқаролар йиғини раислари ва профилактика инспекторлари, шунингдек, турли мутахассислар жалб этилган махсус гуруҳ билан хондонларга кириб, улардаги ҳолат ўрганилди. Уларга томорқадан фойдаланишнинг афзалликлари, унинг орқасидан келадиган даромад ҳақида батафсил тушунарлар берилди. Ерни экишти таъйёрлаш ва экинни парвариш қилишнинг сир-асрорлари ўргатилди. Қаровчисини йўқ ёки ёлғиз қарияларнинг томорқаларини саботовот, поллиз махсусотлари экиш учун шай ҳолатга келтирилди. Уларга худуддаги таълим муассасалари ўқитувчи ва ўқувчилари бириктирилди.

Кам таъминланган оилаларга 70 минг 964 дона кўчат ҳамда 207 минг 846 тонна ўғит етказиб бериш режалаштирилган. Бу ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва оилалар даромадини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Паррандачилик билан шуғулланаётган тадбиркорларимиз билан ҳам келишиб олдик. Уларнинг кўмаги ва ҳиммати билан айрим оилаларга бепул парранда тарқатмоқчимиз.

Соғлом бола йилда фарзандларимизни соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган йили Фонд томонидан ажратилган 77 миллион сўм эвазига ёлғиз соғломлаштириш оромгоҳларида кам таъминланган оилаларнинг 265 нафар фарзанди ҳордиқ чиқарган бўлса, бу йил ундан ҳам кўпроқ бола-жонларни оромгоҳларга жалб этиш ниятидамыз.

Хуллас, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, уларга ёрдам қўлини чўзиш, одамлар ишончини қозониш эзгу мақсадимиздир. Қорхона ва ташкилотлар, фермер ва тадбиркорларнинг ҳомийлик ёрдамлари билан маҳаллаларимизни янада обод қиламиз. Шунда ҳар бир кунимиз янада шуқули ва орзу-ҳаваси бўлади.



ЎЗА олган сурат.